

ҚОҒОЗ ҚОПЧАЛАР БИЛАН ЎРАЛГАН УЗУМ НАВЛАРИДА ФЕНОЛОГИК ФАЗАЛАРНИ ЎТИШИ

Оққўзиев Илхом Ўктамович, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Абдуллаев Давлат Муродович, лаборатория мудири,
Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Мақолада қоғоз қопчалар билан ўралган узум навларида фенологик фазаларни ўтиши (шира ҳаракати, новда ва тўпгулларнинг ўсиши, гуллаш, гужумларнинг ўсиши, гужумларнинг пишиши ва баргларнинг тўкилиши) ҳамда ҳар бир фазанинг бошланиши, давом этиши ташқи муҳит шароитлари, нав хусусиятлари, ток тупларининг ёши каби омилларга боғлиқ эканлиги келтирилган.

Калит сўзлар: узум, нав, новда, фенологик фаза, кўчат, гужум, қоғоз қопча, тўпгул.

Аннотация. В статье рассматриваются прохождения фенологических фаз (движение сока, рост побегов и соцветий, цветение, рост ягод, созревание ягод и опадание листьев) у сортов винограда, обернутых бумажными пакетами. Отмечается, что начало и продолжительность каждой фазы зависят от внешних условий среды, сортовых особенностей и таких факторов, как возраст кустов винограда. нлиги келтирилган.

Ключевые слова: виноград, сорт, побег, фенологическая фаза, саженец, гроздь, бумажный пакет, соцветие.

Abstract. The article discusses the progression of phenological phases (sap flow, growth of shoots and inflorescences, flowering, berry development, berry ripening, and leaf fall) in grape varieties wrapped with paper bags. It highlights that the beginning and duration of each phase depend on external environmental conditions, varietal characteristics, and factors such as the age of the grapevine bushes.

Keywords: grape, variety, shoot, phenological phase, seedling, cluster, paper bag, inflorescence

Кириш. Ўзбекистон тоқзорларининг умумий майдони 116,1 минг га, ялпи узум ҳосили 577,6 минг тоннани ташкил этмоқда. Шунанга қараганда, бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёда узум ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади.

Ток ҳар йили ўзининг ривожланиш даврини ўтайди. Бу жараёнда токда физиологик, биокимёвий, морфологик, анатомик ўзгаришлар рўй беради. Булар экологик омиллар, фаслларнинг алмашиб туриши билан бевосита боғлиқ ҳолда кечади. Токнинг йил давомида ривожланиш хусусиятларини, хусусан ҳар бир фенологик фазаси учун зарур бўлган омилларни билиш ва шу асосда иш тутиш токнинг барқарор ўсиб ривожланишини таъминлаш, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни талаб даражасида бошқариш имконини беради [1, 2].

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар 2023-2024 йиллар Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг ток коллекциясида ўтказилди.

Олиб борилган тадқиқотларда 20 февраль куни ёғингарчилик миқдори -34 ҳавони нисбий намлиги -71 (%) ҳаво ҳарорати, -3.4 ташкил қилганда, қишга кўмилган тоқлар очилди, симбағазлар кўздан кечирилди.

Натижалар ва мунозара. Баҳор ойи анча олдин келиб март ойида ҳарорат илиқ, яъни ўртача ҳаво ҳарорати 11,7° С ни, максимал ҳарорат 27,5°С ни, минимал ҳарорат -5,0°С ташкил қилиши сабаби Қора кишмиш навида ривожланиш март ойининг 3 чи декадасига тўғри келди, бу ҳол Оқ хусайн навида эса кечроқ ўтиб, 1-5 апрел ойига тўғри келди. Пушти тойфи, Октябрьский навларида ўсув даврининг бошланиши 9-10/IV, гуллаш даврининг бошланиши 14-16/V, гуллаш даврининг тугаши 25-27/V кунларида кузатилди. Узум бошининг пишиши бошланиши 10/VIII-17/III, ёппасига пишиши 02/IX-05/IX, пишишининг тугаши 01/X-05/X муддатларга тўғри келди Май ойининг 1 чи декадасида ёғингарчилик миқдори (ўртача)-1,2 мл ни, ҳавони нисбий намлиги 52% ни, ҳаво ҳарорати эса ўртача -21,1 °С ташкил қилганда, узум

1-жадвал

Хўраки узум навларининг фенологик фазаларининг ўтиши, 2024 й.

Навлар номи	Фенологик фазаларининг ўтиши								
	шира ҳаракати	Куртакларнинг бўртиши	Барг ёзиши	Гуллаши		Узумнинг пишиши		Хазонрезгилик	
				бошланиши	тугаши	бошланиши	тугаши	бошланиши	тугаши
Оқ Хусайни	5/IV	30/ IV	10/V	20/V	22/VI	06./VIII	02/IX	18/X	10/XI
Ризамат	8/IV	09/IV	19/IV	14/V	25/V	10/VIII	30/VIII	18/X	8/XI
Саид Ғуломи	7/IV	09/IV	19/IV	14/V	25/V	10/VIII	10/IX	18/X	10/XI
Қора кишмиш	29/III	9/IV	18/IV	13/V	23/ V	06.VI	27/ VI	16/X	06/XI
Пушти тоифи	10/IV	10/IV	20/IV	16/V	27/V	17/VIII	05/X	25/X	15/XI
Октябрьский	10/IV	09/IV	19/IV	14/V	25/V	10/VIII	01/X	20/X	11/XI

навларидагуллаш даври тезлашиб кетиб, Қора кишмиш 13 май ойида бошланиб, 23 май ойида тугади. Оқ хусайнида эса 20 май кунлари бошланиб, 1 май ойларида тугади (1-жадвал). Тадқиқотларимизда Қора кишмиш гуллашга 13 май куни кириб, тўлиқ гуллаш даври 10 кун давом этди ва 23 май куни тугади. Майнинг 23 санасида 40 кун ўтгач, яъни 3-6 июнь ойида узум шингилларига қоғоз қопчалар кийдирилди.

Тадқиқотларимизда узумнинг кечки навлари Пушти тойфи ва Октябрьский навлари гуллашдан сўнг 5 кун ўтгач, яъни 2 июнда узум бошларига 2 турдаги қоғоз қопчалар кийгизилди, жумладан: назоратдаги узум бошлари – қопчалар билан ҳимояланмаган, бир қаватли оқ рангдаги қоғоз қопчалар - ҳар бир навга 100 донадан кийгизилди, жами 200 дона қопча кийгизилди, бир қаватли оқ рангдаги полиэтилен бир томони қоғоз қопчалар - ҳар бир навга 100 донадан кийгизилди, жами 200 дона қопча кийгизилди.

Тажриба майдонида ҳар 10 кунда узум бошлари кузатиб борилди, узум боши бўйи ва эни ўлчаб турилди. Мевларга

2 та турдаги қоғоз қопчалардан фойдаланиб, назоратдаги узум бошлари билан таққослаб борилди. Узум бошларига кийгизилган 2 та турдаги қопчалар вегетация даврининг узум ҳосили пишиб, узулгунига қадар сақланиб турилди. Бу иш ток гуллаб ўралар мошдек бўлган вақтда (июнь бошларида) ўтказилди. Кийдирилган қоғоз қопчалар, 2 хил бўлиб, 1 чиси икки томони қоғоз, 2 хили эса бир томони қоғоз ва иккинчи томони плёнка қопламаси билан қопланган. Кузатишларда узум ғужумларини ўсишига қоғоз қопчаларни таъсири кузатилмади. Қопча тақишдан аввал улар шингиллари ўлчаниб олинди.

Хулоса. Узумнинг Пушти тойфи, Октябрьский навларида ўсув даврининг бошланиши 9-10 апрел, гуллаш даврининг бошланиши 14-16 май, гуллаш даврининг тугаши 25-27 май кунларида кузатилди. Узум бошининг пишиши бошланиши 10-17 август, ёппасига пишиши 2-5 сентябр, пишишининг тугаши 1-5 октябр муддатида бўлиши аниқланди. Вегетация назоратдаги узум шингиллари, қоғоз қопча қўлланилган узум шингилларининг ўсиши ва ривожланишга таъсири кузатилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Размножение винограда зелеными черенками. Труды ТашСХИ, вып. 55, Ташкент, 1976, с. 48-56.
2. Мирзаев М.М. Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана. - Ташкент, Фан, 1980. – С. 3-5.